

**ДАВЛАТ АҲАМИЯТИДАГИ АВТОМОБИЛЬ ЙЎЛЛАРИНИ  
КИШГИ ҚАРОВ ИШЛАРИ БЎЙИЧА**

**ШАРТНОМА № 8Д/К**

Бухоро шаҳри

“31” январ 2022 йил

Бизлар, “Бухоро вилояти автомобиль йўллари ҳудудий бош бошқармаси” номидан, бошқарма Низоми асосида иш юритувчи, бош бошқарма бошлиғи Ш. Абдуллоев бир томондан, (кейинги ўринларда “Буюртмачи” деб юритилади), “Пешку туман йўллардан фойдаланиш унитар корхонаси” номидан корхона устави асосида иш юритувчи корхона директори И. Ҳамроев иккинчи томондан, (кейинги ўринларда “Пудратчи” деб юритилади), аниқ манзилли ва йўл ишлари рўйхатида тасдиқланган 172 км узунликдаги умумий фойдаланишдаги давлат аҳамиятидаги автомобиль йўллари киши қаров ишларини ташкил қилиш бўйича ушбу пудрат шартномасини туздик.

**I. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ**

1.1 “Пудратчи” мазкур шартнома шартлари бўйича ўзига бириктирилган умумий узунлиги 172 км бўлган умумий фойдаланишдаги давлат аҳамиятга эга бўлган автомобиль йўллари ва ушбу йўллардаги йўл иншоотларини киши қаров ишлари бўйича шартномага кўрсатилган муддат давомида доимий равишда хизмат кўрсатади.

1.2. Ўзбекистон Республикаси “Автомобиль йўллари тўғрисида”ги Қонуннинг 15-моддасига асосан “Пудратчи” га бириктирилган автомобиль йўллари, йўлдаги иншоотлар, жиҳозлар ва мол-мулклар “Пудратчи” нинг ихтиёрида бўлади.

**II. ШАРТНОМА БАҲОСИ**

2.1. Шартнома баҳоси “Пудратчи”нинг 2022 йил 1- чоракда тасдиқланган йўл ишларига ажратилган харажатлар сметасига асосан 8 392 000 (саккиз миллион уч юз тўқсон икки минг) сўмни ташкил этади. Шартномага киши қаров ишлари бўйича йўл ишлари рўйхати (харажатлар сметаси) илова қилиниб, булар шартноманинг ажралмас қисми ҳисобланади.

**III. ТЎЛОВ ШАРТЛАРИ.**

3.1 “Буюртмачи” Ҳазначилик бошқармаси орқали “Пудратчи”га шартноманинг 2-бўлимида кўрсатилган маблағни мазкур шартноманинг ажралмас қисми ҳисобланган харажатлар сметаси ва тўлов жадвалига мувофиқ тўлаб боради.

3.2. “Буюртмачи” “Пудратчи”га киши қаров ишларини бошлаш учун ойлик режанинг 40 фоизи миқдорида олдиндан аванс (бўнак) маблағи тўлайди, қолган сумма харажатлар сметаси асосида бажарилган ишлар “Буюртмачи” томонидан қабул қилиб олиниб, бажарилишини тасдиқловчи ҳужжатлар тўлиқ тақдим қилингандан кейин тўлаб берилади (ойма-ой харажатлар тасдиқланган харажатлар сметасидан ошишига йўл қўйилмайди).

3.3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 28 февралдаги 594-сонли қарорига асосан тегишли ҳазначилик бўлинмаларида рўйхатдан ўтказилмаган шартномалар асосида бажарилган ишлар учун тўловлар амалга оширилмайди.

3.4. Умумий фойдаланишдаги автомобиль йўллари киши қаров ишларини молиялаштиришга ажратилган маблағлар белгиланган мақсадга эга бўлади ва тегишли автомобиль йўллари киши қаров ишлари билан боғлиқ бўлмайдиган эҳтиёжлар учун олиб қўйилмайди ёки сарфланмайди. (Қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно).

**IV. МАЖБУРИЯТЛАРНИ БАЖАРИШ МУДДАТЛАРИ.**

4.1. “Пудратчи” ушбу шартномага мувофиқ киши қаров ишларини ҳар ойнинг 25-санасигача бажариб, бажарилган ишларни тўловга тақдим этади.

4.2. “Буюртмачи” “Пудратчи” томонидан бажариладиган ишлар учун шартноманинг 3.2-бандига асосан аванс маблағларини жорий ойнинг 15-санасигача бажарилган ишлар учун бажарилишини тасдиқловчи ҳужжатлар тўлиқ тақдим қилингандан кейин 5 кун ичида тўлаб беради.

4.3. Шартноманинг амал қилиш муддати :

2016 йил 22 декабрда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2850-сон билан рўйхатга олинган “Бюджет тизими бюджетларининг Ҳазна ижроси қоидаларига” ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 28 февралдаги 594-сонли қарорига асосан, шартнома тегишли тартибда Ҳазначилик бошқармасида рўйхатдан ўтказилгандан сўнг қонуний кучга кириши ва 2022 йил 5 январдан тарафлар ўртасидаги бошланган муносабатларни тартибга солишга қаратилган бўлиб, 2022 йил 31 декабрда амалда бўлади.

4.4. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган икки нусхада тузилиб, томонларнинг ҳар бирига бир нусхадан берилади.

**V. ТАРАФЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ.**

5.1 Пудратчининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари :

5.1.1. Ўз кучи маблағлари ҳисобидан ишларнинг календарь режасига белгиланган ҳажмда, муддатларда ва сифатли қилиб барча ишларни бажариш ва “Буюртмачи”га лойиха-смета ҳужжатларига мос келадиган ҳолатдаги ишларни камчиликларсиз топшириш;

5.1.2. Ўзига бириктирилган автомобиль йўллари ва улардаги иншоотларни, йўл жиҳозларини асраш, таъмирлаш, ривожлантириш ва такомиллаштириш ҳамда йўл хизмати кўрсатиш.

5.1.3. Йўлларни киши қаров жараёнида Ўзбекистон Республикаси “Автомобиль йўллари тўғрисида”ги Қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 1 ноябрдаги 226-сонли қарори билан тасдиқланган ва 2011 йил 31 декабрдаги 352-сонли қарори билан тўлдирилган «Умумий фойдаланишдаги автомобиль йўллари таъмирлаш ва киши қаров ишлари ТАСНИФИ»га ҳамда тизимдаги йўл корхоналарининг

“Ўзбекистон Республикаси Автомобиль йўллари кўмитаси” олдидаги мажбуриятлари тўғрисидаги ижро хужжатларига қатъий риоя қилиш;

5.1.4. Йўл минтақасидан самарали фойдаланиш ва уни амалдаги конунлар ҳамда меъёрий хужжатлар талабларига мувофиқ равишда киши қаров;

5.1.5. Қиши қаров ишларини бажариш даврида техника хавфсизлиги, атроф муҳитни, йўл минтақасини муҳофаза қилиш бўйича зарур тадбирлар бажарилишини таъминлаш;

5.1.6. Йўлларда бажарилиши зарур бўлган ишлар бажарилмаслиги ёки етарли даражада бажарилмаслиги натижасида келиб чиққан оқибатлар учун “Пудратчи” тўла жавоб беради.

5.1.7. Бажарилган киши қаров ишлари “Буюртмачи”га топширилгунга қадар бажарилган ишларнинг тасодифий йўқ қилиниши ва шикастланиши “Пудратчи”нинг зиммасида бўлади.

5.1.8. “Пудратчи” ўзи хизмат кўрсатаётган автомобиль йўллари ва йўл иншоотларини транспорт воситаларининг узлуксиз ва хавф-хатарсиз ҳаракатланишини таъминлайдиган соз ҳолатда сақланиши учун жавобгардир. Автомобиль йўлининг тегишли бўлагиди (йўл шароити билан боғлиқ) йўл-транспорт ҳодисаларини расмийлаштиришда вакил сифатида иштирок этади.

5.1.9. Ўзбекистон Республикасининг “Автомобиль йўллари тўғрисида”ги Қонуннинг 21-22-моддаларига асосан йўл минтақасида йўл ишлари билан боғлиқ бўлмаган ҳар қандай ишларни амалга ошириш “Буюртмачи” билан келишилган ҳолда амалга оширилади.

5.2. Буюртмачининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари:

5.2.1. Шартномада белгиланган микдорда ва муддатда бажарилган киши қаров ишлари учун харажалар сметасига асосан “Пудратчи”га ҳақ тўлаш;

5.2.3. “Пудратчи” томонидан бажарилган киши қаров ишларини ҳар ойнинг 25-санасигача қабул қилиб олиш.

5.2.4. Шартноманинг II-бўлимига ва илова қилинадиган харажатлар сметасига мувофиқ режалаштирилган маблағлар “Пудратчи” томонидан ўз вақтида ўзлаштирилмаса ўзлаштирилмай қолган маблағни “Буюртмачи” қайтариб олиш ҳуқуқига эга.

5.2.5 “Пудратчи” томонидан бажарилиши лозим бўлган киши қаров ишларини исталган вақтда назорат қилиш ва аниқланган камчиликлар бўйича далолатнома тузиш.

#### **VI. БАЖАРИЛГАН ҚИШГИ ҚАРОВ ИШЛАРИНИ ҚАБУЛ ҚИЛИНИШИНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ.**

6.1.1. “Пудратчи” киши қаров ишларини томонлар ўзаро келишиб тасдиқлаган харажатлар сметаси, лойиҳа смета хужжатларига мувофиқ равишда ташкил этади.

6.1.2. Алоҳида маъсулиятга эга конструкциялар ва яширин ишлар тайёр бўлишига қараб уларни қабул қилиш бошланишидан 3 кун олдин “Пудратчи” “Буюртмачи”ни ҳабардор қилади.

Агар яширин ишлар “Буюртмачи”нинг тасдиғисиз бажарилган бўлса ёки кечикиб ҳабардор қилинган бўлса, у ҳолда унинг талаби бўйича “Пудратчи” яширин ишларнинг қисмини ўз ҳисобидан очишга, уни қайта тиклашга мажбурдир.

6.1.3. Агар “Буюртмачи” “Пудратчи” томонидан ишларнинг сифатсиз бажарилганлигини аниқласа, у ҳолда “Пудратчи” ўз кучи билан “Буюртмачи” белгилаган муддатда сифатсиз бажарилган ишларни қайта бажаришга мажбурдир.

6.1.4. Ишлар бошланган пайтдан улар тугаллангунга қадар “Пудратчи” ишларни бажариш дафттарини юритади, дафтарда бутун ишларнинг бориши акс эттирилади.

6.1.5. Сифатсиз бажарилган иш ҳажми “Пудратчи”дан қабул қилиб олинмайди.

6.1.6. Буюртмачи” бажарилган киши қаров ишларини қабул қилиб олиш учун ўз вакилини буйруқ асосида тайинлайди. У “Буюртмачи”нинг номидан бажарилаётган ишлар сифати устидан техник назоратни амалга оширади. Бажарилган ишлар учун фойдаланилган материаллар сифати “Пудратчи” зиммасида бўлади.

6.1.7. Техник назоратчи ёки “Буюртмачи” томонидан тузилган комиссия ишлар бажарилишининг олиб борилиши ва шартноманинг бутун даври мобайнида ишларнинг барча турлари билан тўлиқ танишиш ҳуқуқига эгадир.

6.1.8. “Пудратчи” назоратчини бажарилган ишларни қабул қилиб олиши ва иш жойига бориб келиши учун транспорт воситаси билан таъминлайди.

6.1.9. Назоратчи “Пудратчи” томонидан автомобиль йўллари ҳолати бўйича ишларни амалга ошириш жараёнида пайдо бўладиган масалаларни ҳал қилиш учун техник Кенгашга таклиф киритади, йиғилишларда мунтазам қатнашади.

6.1.10. Инспекция назорати олиб бориш ва ишларни қабул қилишда “Пудратчи”га тобе бўлмаган ихтисослашган ташкилотни жалб қилган ҳолда тегишли ўлчов текширувларини амалга ошириш ҳуқуқига эга. Мазкур текширувлар ва лаборатория ҳулосалари учун “Пудратчи” томонидан ҳақ тўланади.

#### **VII. ФОРС-МАЖОР.**

7.1. Тарафларнинг ихтиёрига боғлиқ бўлмаган, уларни олдиндан билиш ёки олдини олиш имконияти бўлмаган ҳолатлар (енгиб бўлмас куч) оқибатида мажбуриятларни бажармаганлик ёки етарли даражада бажармаганлик учун тарафларнинг бирортаси иккинчи тараф олдида жавобгар эмасдир. (Бундай ҳолатлар жумласига эпидемиялар, табиий офатлар, ҳарбий ҳаракатлар киради).

7.2. Ўз мажбуриятларини бажара олмаётган тараф энгиб булмас кучнинг мавжудлиги ва унинг шартнома бўйича мажбуриятларни бажаришга таъсири ҳақида иккинчи тарафга хабарнома бериши лозим. Агар энгиб булмас куч ҳолатлари узлуксиз 2 ой давомида амал қилиб турса ва яқин муддат ичида бекор қилиниши эҳтимоли бўлмаса мазкур шартнома тарафлардан бирининг ташаббуси билан иккинчи тарафга ёзма билдиришнома юбориш йули билан бекор қилиниши мумкин.

## VIII. ТАРАФЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ ВА НИЗОЛАРНИ ХАЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ.

8.1. “Буюртмачи” ушбу шартноманинг 3-бўлимида кўрсатилган мажбуриятларини ўз вақтида бажармаганида “Пудратчи”га кечиктирилган сумманинг кунига 0,4 фоизи миқдорида пеня тўлайди, аммо пеня миқдори кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим.

8.2. “Пудратчи” мазкур шартнома шартларига мувофиқ зиммасига олган мажбуриятларни ўз вақтида бажармаганда ёки лозим даражада бажармаганда “Буюртмачи”га кунига бажарилмаган ёки сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 0,4 фоизи миқдорида пеня тўлайди, аммо пеня миқдори кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим. Пеняни ҳисоблаш учун бажарилмаган ёки сифатсиз бажарилган ишлар далолатномаси асос бўлиб ҳисобланади ҳамда техник назоратчиларнинг билдиргиси ва маълумотномасига асосан кейинги бажарилиши лозим бўлган ишлар суммасидан чегириб қолинади.

8.3. Мазкур шартномада назарда тутилмаган низоли масалалар томонларнинг ўзаро келишувлари асосида, агар бундай келишувнинг имкони бўлмаса бу низолар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунлари ва уларга мувофиқ равишда қабул қилинган меъёрий ҳужжатлар асосида иктисодий судларига мурожат қилиш йўли орқали ҳал этилади.

## IX. ШАРТНОМАНИ БЕКОР ҚИЛИШ ВА ЎЗГАРТИРИШ ТАРТИБИ.

9.1. Мазкур шартномага ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар улар ёзма равишда расмийлаштирилган ва тарафларнинг ваколатли шахслари томонидан имзоланган тақдирда ҳақиқий ҳисобланади.

9.2. Мазкур шартномани муддатидан олдин бекор қилишга тарафларнинг келишувига мувофиқ ёки Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларида назарда тутилган асосларга кўра етказилган зарар қопланган ҳолда йўл қўйилади.

9.3. “Буюртмачи” кўйидаги ҳолларда шартномани бекор қилишга ҳақли:

- Ишларни тугатишнинг шартномада белгиланган муддати “Пудратчи”нинг айби билан узлуксизлиги кетма-кет икки ой таъминланмаганда, “Пудратчи” томонидан ишларни бажариш жадвалига риоя этилмаганда;

- “Пудратчи” томонидан қурилиш меъёрлари ва қоидаларида назарда тутилган ишларнинг сифати меъёр талабларига жавоб бермаганида;

- “Пудратчи”нинг шартнома шартларини бузиши оқибатида лойихада назарда тутилган ишлар сифати пасайганда;

- “Пудратчи”нинг шартнома шартларини тўлиқ бажариш имконияти йўқлиги ҳолати мавжуд бўлса.

9.4. “Пудратчи” кўйидаги ҳолларда шартномани бекор қилишга ҳақли :

- “Пудратчи”га боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра таъмирлаш ишлари “Буюртмачи” томонидан икки ойдан ошқан муддатга молиялаштириш тўхтатилса;

- “Буюртмачи” бажарилган ишларни молиялаштириш имкониятини йўқотган бўлса.

9.5. Шартнома бекор қилинганда “Буюртмачи” ва “Пудратчи”нинг биргаликдаги келишувига мувофиқ тугалланмаган таъмирлаш ишлари “Буюртмачи”га топширилади ва у биргаликда келишилган ҳажмда бажарилган ишлар қийматини “Пудратчи”га тўлаши лозим.

9.6. Шартномани муддатидан олдин бекор қилиш қарорига келган тараф иккинчи тарафга 10 кун олдин ёзма билдиришнома юбориши шарт. Билдиришномани олган тараф 5 кунлик муддат ичида унга нисбатан ўзининг жавобини қайтариши лозим. Ушбу белгиланган муддатда жавоб қайтарилмаганда иккинчи тараф шартномани муддатидан олдин бекор қилишга рози эканлиги эътироф этилади ва шартномавий муносабатлар тугатилади. Шартнома 9.3. ва 9.4-бандларда кўрсатилган ҳолатлар бўйича муддатидан олдин бекор қилинганда иккинчи тараф бу ҳақида билдиришномани олган вақтдан бошлаб шартнома бекор қилинган ҳисобланади.

## X. ТОМОНЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛГОҲЛАРИ ВА ТЎЛОВ РЕКВИЗИТЛАРИ

«Буюртмачи»

«Пудратчи»

Бухоро вилояти автомобиль йўллари  
худудий бош бошқармаси

Пешку туман йўллардан  
фойдаланиш унитар корхонаси

Манзил: Бухоро ш. Гиждувон куча 272 уй  
Телефон :228-50-03  
Ш.х/р 304510860064017045172118001  
Бюджетдан маблаг олувчи СТИР 201188890  
ОКОНХ 97400

Манзил: Пешкў т. Зандани кўчаси 1  
Тел 35-42-363  
х/р: 2262 6000 6004 2094 2003

Газначилик булинмаси номи:

банк: ТИФ Миллий банк Бухоро бўлинмаси

Бухоро Вилоят Газначилик бошқармаси

МФО: 00084 ИНН: 200882228

Газна х/в 23402000300100001010

ОКЕД 42110

Банкнинг номи: Тошкент ш. Марказий банк

ХККА МФО 00014

Газначилик булинмаси СТИР 201122919

Бош бошқарма  
бошлиғи:

Ш. Абдуллоев

Директор:

И. Хамроев

Юрист:

Х. Шаропов

Юрист:

Ш. Халимов

159

"КЕЛИШИЛДИ"

Бухоро вилояти АЙХББ бошлиғи

Ш.Абдуллаев

"31" 01 2022 йил

"ТАСЛИКЛАЙМАН"

Пешку ТЙФУК директори

И.Хамроев

"31" 01 2022 йил

Бухоро вилояти автомобиль йўллари худудий бош бошқармаси буюртмасига асосан Пешку ТЙФУК хизмат курсатадиган давлат аҳамиятдаги автомобиль йўлларини қишги қаров ишлари бўйича 2022 йил 1-чорак ХАРАЖАТЛАР СМЕТАСИ ЖАДВАЛИ

№	Йул-нинг раками	Автомобиль йулининг номи	Йулнинг узунлиги км	2022 йилда молиялаштириш режаси					
				1-чорак режаси	Жами	шундан			Март
1	4р48	Зарафшон тракти	306-326	3600,000	3600,000	Январь	Февраль	Март	
2	4р66	Азизобод к-Вобкент ш-Алиёр к-Хужа Порсо к-А-380 "Гузор-Бухоро-Нукус-Бейнеу" а/йули	33-75	4000,000	4000,000	1700,000	1900,000	2100,000	
3	4р68 "а"	Галаосиё ш Рометан ш автомобиль йулидан Пешку кишлоғига шахобча	3-8	792,000	792,000	346,000	446,000		
		Жами	67,0	8392,000	8392,000	3946,000	4446,000	0,000	

Бухоро вилояти АЙХББ вакили:

*Handwritten signature*

Б.Зокров

Пешку ТЙФУК бош муҳандиси :

*Handwritten signature*

Р.Раҳматов

ИЧТФБ бошлиғи :

*Handwritten signature*

С.Сафаров